



ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ НОМИДАН  
Ҳ У К М

2019 йил октябрь ойининг 8 кунда жиноят ишлари бўйича Оқдарё туман судининг очик суд мажлиси ўз биносида бўлиб,

Раислик этувчи судья: И.А.Дониёров, судья ёрдамчиси У.Кудратовнинг котиблигида, томонлардан давлат айбловчиси Оқдарё туман прокурорининг катта ёрдамчиси Ш.Нуриддинов, судланувчи Н.И.Маджидов ва унинг ҳимоячиси “Оқдарё Адолат” адвокатлик бюроси адвокати Р.Умаров, жабрланувчи А.У.Темировларнинг иштирокида,

Ўзбекистон Республикаси ЖК 122-моддасининг 1-қисми билан судланувчи Маджидов Нуралихон Исроиловичга нисбатан бўлган №1-1411-1901/75-сонли жиноят ишини кўриб,

Судланувчи: Маджидов Нуралихон Исроилович (Madjidov Nuralixon Isroilovich), 1972 йил 29 март куни Самарқанд вилояти, Оқдарё туманида туғилган, миллати ўзбек, Ўзбекистон Республикаси фуқароси, маълумоти ўрта-махсус, депутат эмас, партиясиз, оилалик, 9 нафар фарзандлари бор, мукаддам 1). жиноят ишлари бўйича Оқдарё туман судининг 20.07.2015 йилдаги ҳукмига кўра Ўзбекистон Республикаси ЖК 122-моддасининг 1-қисми билан айбли деб топилиб, энг кам ойлик иш ҳақининг 15 баравари миқдорида, яъни 1.776.000 сўм жарима жазоси тайинланиб, жиноят ишлари бўйича Оқдарё туман судининг 17.02.2017 йилдаги ажримига кўра Ўзбекистон Республикаси ЖК 44-моддасига асосан муддати 22 кун ахлоқ тузатиш ишлари жазосига алмаштирилган, жазони тўлиқ ўтаган, 2). жиноят ишлари бўйича Пайарик туман судининг 23.09.2016 йилдаги ажримига кўра Ўзбекистон Республикаси ЖК 122-моддасининг 2-қисми билан бўлган жиноят иши тарафлар ярашганлиги муносабати билан ЖК 66<sup>1</sup>-моддасига асосан ҳаракатдан тугатилган, вақтинча ишламайди, Оқдарё тумани, “Пичоқчи” маҳалла фуқаролар йиғинига қарашли, “Пичоқчи” қишлоғида яшайди, иш бўйича унга нисбатан 10.09.2019 йилдан “қамокқа олиш тарзида”ги эҳтиёт чораси қўлланилган, айблов далолатномаси нусхасини 20.08.2019 йилда олган.

Суд, мазкур жиноят ишини очик суд мажлисида кўриб, судланувчи, жабрланувчи ва гувоҳни сўроқ қилиб, жиноят иши ҳужжатларидаги далилларни таҳлил қилиб, томонларнинг музокара сўзлари ва судланувчининг охириги сўзи тингланиб, қуйидагиларни,-

А Н И Қ Л А Д И :

Судланувчи Маджидов Нуралихон Исроилович, Фуқаролик ишлари бўйича Иштихон туманлараро судининг 04.07.2014 йилдаги суд буйруғига кўра, 3 нафар вояга етмаган фарзандларининг моддий таъминоти учун ойлик иш ҳақи ва бошқа даромадининг 1/2 қисми миқдорида ундирувчи Темиров Алишер Умирзоқовичнинг фойдасига алимент тўлаши кўрсатилган бўлсада, суд буйруғига кўра тўлаши лозим бўлган алимент пулларини тўлашдан қасддан бўйин товлаб келганлиги сабабли Оқдарё туман маъмурий суднинг 11.01.2019 йилдаги қарорига асосан Ўзбекистон Республикаси МЖТКнинг 47<sup>4</sup>-моддасида назарда тутилган ҳуқуқбузарликни содир этганликда айбли деб топилиб, ўзига нисбатан тайинланган 15 сутка маъмурий жазо чорасини ўтаб, маъмурий жавобгарликка тортилганидан ўзига тегишли хулоса чиқармасдан, моддий ёрдамга мухтож бўлган вояга етмаган фарзандларининг моддий таъминоти учун тўлаши лозим бўлган алимент пуллардан 2016 йил сентябрь ойидан 2019 йил июнь ойига қадар бўлган муддатда жами 23 ой давомида 18.673.885 сўм миқдордаги алимент пулларини тўлашдан қасддан бўйин товлаб келган.

Суд мажлисида судланувчи тариқасида сўроқ қилинган Маджидов Нуралихон Исроилович ўзининг кўрсатувида айбига тўлиқ иқрорлик билдириб, у 1993 йилда 2013 йил 24 февраль куни вафот этган марҳума Темирова Зарифа Умирзоқовна билан қонуний никоҳдан ўтиб турмуш қурганлигини, турмушлари давомида 2013 йилга қадар яъни вафот этган кунига қадар тинч тотув яшаб келганликларини, бу орада 1994 йил 16 февраль куни туғилган Исроилова Дилшода Нуралихон қизи, 1995 йил 16 сентябрь куни туғилган Исроилова Юлдуз Нуралихон қизи, 1999 йил 25 октябрь куни туғилган Исроилова Нигора Нуралихон қизи, 2001 йил 17 май куни туғилган Исроилова Умидахон Нуралихон қизи ва 2004 йил 16 май куни туғилган Исроилов Мухаммадали Нуралихон ўғли исмли фарзандли бўлганликларини, шундан сўнг 2013 йилга келиб турмуш ўртоғи оғир ҳасталикка чалиниб вафот этганлигини, кейин у 2013 йил август ойида Таллаева Гулмира билан шаърий никоҳ асосда турмуш қурганлигини, ҳозирда ундам ҳам Исроилова Феруза ва Исроилов Жасурхон исмли фарзандлари бўлганлигини, бундан ташқари 2014 йил февраль ойида шаърий никоҳ асосида Зокирова Рухсора билан турмуш қурганлигини, бу орада Исроилов Хондамир ва Исроилова Шохсанам исмли фарзандлари борганлигини, ҳозирги кунга келиб тўққиз нафар фарзанднинг отаси эканлигини, Темиров Алишер Умирзоқович марҳума турмуш ўртоғи Темирова Зарифа Умирзоқовнанинг укаси, марҳума турмуш ўртоғи орасида бўлган уч нафар фарзандларини алимент ундириш учун фуқаролик ишлари бўйича Иштихон туманлараро судига ариза билан мурожаат қилганлигини, Иштихон туманлараро судининг 2014 йил 04 июлдаги қарори билан ундан ундирувчи сифатида Темиров Алишер Умирзоқовичнинг фойдасига уч нафар вояга етмаган фарзандларининг моддий таъминоти учун ҳар ойдаги барча даромадларнинг иккидан бир қисми миқдорида алимент ундириб бориш белгиланганлигини, ҳақиқатдан ҳам у шу кунга қадар фуқаролик ишлари бўйича Иштихон туманлараро судининг 2014 йил 04 июлдаги қарорига асосан уч нафар вояга етмаган 1999 йил 25 октябрда туғилган Исроилова Нигора Нуралихон қизи, 2001 йил 17 май куни туғилган

Исроилова Умидахон Нуралихон қизи ва 2004 йил 16 май куни туғилган Исроилов Мухаммадали Нуралихон ўғли исмли фарзандларининг моддий таъминоти учун белгиланган алимент пулларини шароити бўлмаганлигини ва оилавий етишмовчиликлар сабабли тўлиқ ва белгиланган вақтда тўлай олмасдан келаётганлигини, у бирон бир корхона ёки ташкилотда буйруқ асосида ишламаслигини ва шу кунга қадар ҳам ҳеч қерда ишламаганлигини, шу сабабли уч нафар вояга етмаган фарзандларининг алимент пулларини ўз вақтида тўламастан келганлигини, ҳозирда у алимент пулларини тўлаш учун иш излаб юрганлигини, ишлаб имконият топилгандан алиментдан бўлган қарздорлигини тўлаб беришини, шунингдек унга мажбурий ижро бюроси Оқдарё туман бўлими давлат ижрочилари томонидан бир неча бор алимент қарздорлигини тўлашлиги тўғрисида огоҳлантириш хатлари билан танишганлигини, тўлашга имконияти бўлмаганлигини, унга давлат ижрочиси З.Сайдахмедовнинг қарори бўйича 2016 йил сентябрь ойидан ҳозирги кунга қадар ҳисоб-китоб қилинган 18.673.885 сўм миқдордаги алимент пулларини тўлаши лозимлиги тўғрисида қарор билан танишганлигини ва ушбу қарорда кўрсатилган алимент қарздорлигини кам-камдан ишлаб тўлашини, ҳозирда моддий имконияти йўқлигини, қилмишидан чин кўнгилдан пушаймонлигини инобатга олиб, суддан унга нисбатан қонуний енгиллик беришликни билдириб баёнот берди.

Судланувчи Маджидов Нуралихон Исроилович ўз айбига тўлиқ иқдорлик билдириб баён қилган кўргазмасидан ташқари, унинг айби суд мажлисида сўроқ қилинган жабрланувчи ва гувоҳнинг кўргазмалари билан тўлиқ исботланади.

Суд мажлисида сўроқ қилинган жабрланувчи Темиров Алишер Умирзоқович ўзининг кўрсатувида, 1974 йил 02 январь куни Оқдарё туманида туғилган марҳума Темирова Зарифа Умирзоқовна унинг синглиси бўлишини, 1993 йилда марҳума синглиси З.У.Темирова Маджидов Нуралихон Исроилович билан қонуний никоҳдан ўтиб турмуш қурганлигини, бу орада 1994 йил 16 февраль куни туғилган Исроилова Дилшода Нуралихон қизи, 1995 йил 16 сентябрь куни туғилган Исроилова Юлдуз Нуралихон қизи, 1999 йил 25 октябрь куни туғилган Исроилова Нигора Нуралихон қизи, 2001 йил 17 май куни туғилган Исроилова Умидахон Нуралихон қизи ва 2004 йил 16 май куни туғилган Исроилов Мухаммадали Нуралихон ўғли исмли фарзандли бўлишганликларини, 2013 йил февраль ойида оғир ҳасталикга чалинган Темирова Зарифа Умирзоқовна синглиси вафот этганлигини, шундан сўнг, Маджидов Нуралихон Исроилович бошқа аёл билан турмуш қурганлигини, Оқдарё тумани “Пичоқчи” маҳалла фуқаролар йиғинига қаршли “Пичоқчи” қишлоғида жойлашган дала ҳовлисига беш нафар фарзандлари яъни, 1994 йил 16 февраль куни туғилган Исроилова Дилшода Нуралихон қизи, 1995 йил 16 сентябрь куни туғилган Исроилова Юлдуз Нуралихон қизи, 1999 йил 25 октябрь куни туғилган Исроилова Нигора Нуралихон қизи, 2001 йил 17 май куни туғилган Исроилова Умидахон Нуралихон қизи ва 2004 йил 16 май куни туғилган Исроилов Мухаммадали Нуралихон ўғли исмли жиянлари билан 2014 йил январь ойига қадар яшаб келганларини, янги оилага жиянлари мослаша олмаганликларини, ўғай онаси ўртасида ўзаро келишмовчиликлар

келиб чиқа бошлаганлигини, ўғай онаси томонидан болаларга ғамхўрлик кўрсатмаётганлигидан жиянлари шикоят қила бошлаганлигини, Маджидов Нуралихон Исроилович фарзандларини уришиб уларга нисбатан босим ўтказа бошлаганлигини, шундан сўнг, 2014 йил январь ойларида Н.Маджидов беш нафар фарзандларини уйдан қувиб юборганлигини, шунда у 2014 йил 25 март куни Оқдарё туман Ҳоким қарорига асосан у ва турмуш ўртоғи Д.Рустамовага бир ой муддатга вояга етмаган жиянлари, Исроилова Нигарахон Нуралихон қизи, Исроилова Умидахон Нуралихон қизи ва Исроилов Мухаммадали Нуралихон ўғли исмли жиянларини васий этиб тайинланганлигини, шундан сўнг у, 2014 йил июнь ойида алимент ундириш учун Фуқаролик ишлари бўйича Иштихон туманлараро судига ариза билан мурожаат қилганлигини, Фуқаролик ишлари бўйича Иштихон туманлараро судининг 2014 йил 04 июлдаги суд буйруғига асосан унинг фойдасига Маджидов Нуралихон Исроиловичдан жиянлари моддий таъминоти учун то улар вояга еткунига қадар ҳар ойдаги иш ҳақи ва бошқа даромадларининг 1/2 қисми миқдорида алимент ундириш белгиланганлигини, мазкур ижро ҳужжати бўйича 2015 йили Н.Маджидов алимент пулларини тўлашдан бош тортиб келганлиги ҳолати юзасидан Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 122-моддаси билан бир неча маротаба жавобгарликка тортилганлигини, шунга қарамасдан Н.Маджидов ўзига тегишли хулоса чиқармасдан алимент пулларини тўлашдан қасддан бўйин товлаб келганлигини, бундан ташқари Н.Маджидов суднинг буйруғига нописандлик билан қараши оқибатида 2019 йил январь ойида Ўзбекистон Республикаси МЖТКнинг 47<sup>4</sup>-моддасида назарда тутилган ҳуқуқбузарликни содир этганликда айбли деб топилганлигини, шунча жавобгарликка тортилишига қарамасдан Н.Маджидов шу кунга қадар алимент пулларини тўлашдан бўйин товлаб келганлигини, шу сабабли, Н.Маджидов ўз фарзандларига бўлган муносабатини инобатга олиб, менга етказилган 18.673.885 сўм миқдордаги пулларини судланувчидан ундириб беришни ва Маджидов Нуралихон Исроиловичга нисбатан қонуний чора кўришликни билдириб баёнот берди.

Суд мажлисида гувоҳ тариқасида сўроқ қилинган Сайдахмедов Заррух Зайниддин ўғли ўзининг кўрсатувида, у Оқдарё туман бўлими мажбурий ижро бюроси давлат ижрочиси лавозимида 2019 йил 17 апрель кунидан ҳозирги кунга қадар ишлаб келаётганлигини, унинг хизмат вазифаларига алимент ундириш, маъмурий жарималарни ундириш ва шу каби вазифалар киришлигини, унинг иш юритувида бўлган Фуқаролик ишлари бўйича Иштихон туманлараро судининг 2014 йил 04 июль кунги суд буйруғига асосан қарздор Маджидов Нуралихон Исроилович ундирувчи Темиров Алишер Умирузокович фойдасига 3 нафар вояга етмаган фарзандларининг моддий таъминоти учун ҳар ойлик иш ҳақи ва бошқа даромадларининг 1/2 қисми миқдорида алимент ундириш тўғрисидаги ижро ҳужжати юзасидан 2014 йил 23 июль куни кўзғатилган №5944-сонли ижро иши билан танишиб қуйидагиларни аниқлаганлигини, ижро ҳужжатида ундириши лозим бўлган алимент миқдори 2016 йил сентябрь ойидан 2019 йил июнь ойига қадар жами 23 ойни ташкил қилинганлигини, алимент тўлаши шарт бўлган шахс, алимент қарзлари ҳисобланаётган даврда ишламаганлигини ёки унинг иш ҳақи ва

даромадини тасдиқловчи ҳужжатлар тақдим қилинмаганлигини, алимент қарзи ундирилаётган вақтдаги Ўзбекистон Республикасидаги ўртача ойлик иш ҳақи миқдори бўйича ҳисоблаб чиқилганлигини, Н.Маджидов тўпланган ҳужжатларга кўра ҳозирги кунда ҳеч қаерда ишламаётганлигини, Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитасидан олинган маълумотга кўра, ҳозирги вақтда Ўзбекистон Республикасидаги ўртача ойлик иш ҳақи 1.993.589 сўми ташкил қилганлигини, Н.Маджидовнинг алимент қарзларини Ўзбекистон Республикасидаги ўртача ойлик иш ҳақи ҳисобидан ҳисоблаб берганлигини, ҳозирги кунда 25.10.1999 йилда туғилган Исроилова Нигорахон Нуралихон қизи ва 17.05.2001 йилда туғилган Исроилова Умидахон Нуролихон қизи вояга етгунга қадар қарздорнинг алимент қарзларини Ўзбекистон Республикасидаги ўртача ойлик иш ҳақи ҳисобидан ҳисоблаб жами 18.644.755 сўм ташкил қилганлигини, шунингдек қарздор, Н.Маджидовнинг 16.05.2004 йилда туғилган вояга етмаган фарзанди Исроилов Мухаммадали Нуралихон ўғли учун тўланиши лозим бўлган алимент қарздорлиги бугунги кунга қадар, жами бўлиб 996.798 сўми ташкил қилганлигини, Ўзбекистон Республикаси оила кодексининг 99, 140-моддалари ва Ўзбекистон Республикаси “Суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этиш тўғрисида”ги Қонунининг 86-моддасини қўллаб қарорга келганлигини, шунингдек Н.Маджидовнинг алимент қарздорлигини 2016 йил сентябрь ойидан 2019 йил июнь ойига қадар яъни 23 ой даврда, Ўзбекистон Республикасидаги ўртача ойлик иш ҳақи 1.993.589 сўмнинг 1/2 қисми миқдорида, яъни ҳар ойга 996.799 сўмдан жами 18.673.885 сўм ҳисоблаб берилганлигини, Пайарик туманлараро почта боғламаси Оқдарё-1 алоқа бўлими томонидан берилган маълумотномада қарздор Н.Маджидовдан ундирувчи А.Темиров фойдасига 14.05.2019 йил 500.000 сўм пул маблағини эски қарздорлиги ҳисобидан ҳисоблаб берганлигини ва Н.Маджидов томонидан шу вақтга қадар алимент қарздорлиги учун бошқа тўловлар амалга оширилмаганлигини билдириб баёнот берди.

Судланувчи Маджидов Нуралихон Исроиловичнинг айби шунингдек, жиноят ишининг дастлабки суриштирув ва тергов ҳужжатлари билан, яъни

2019 йил 27 июнь кундаги алимент қарзини ҳисоблаш тўғрисида қарор ва далолатнома (ишнинг 2-3-варақалари),

2019 йил 11 февраль, 2019 йил 15 март, 2019 йил 08 апрель ва 2019 йил 06 май кундаги Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги мажбурий ижро бюроси Оқдарё тумани бўлими ходимлари томонидан юборилган огоҳлантириш хатлари (ишнинг 14-17-варақалари) ва жиноят ишидаги бошқа объектив далиллар йиғиндиси билан тўлиқ исботланади.

Суд, судланувчи Маджидов Нуралихон Исроиловичнинг вояга етмаган фарзандларини моддий таъминлашдан икки ойдан ортиқ муддат мобайнида бўйин товлашда ифодаланган жинойий ҳатти-ҳаракатлари дастлабки тергов органи томонидан Ўзбекистон Республикаси ЖК 122-моддасининг 1-қисми билан тўғри квалификация қилинган деб ҳисоблайди.

Суд, судланувчи Маджидов Нуралихон Исроиловичнинг содир қилган жиноятни қасдан содир этилган ижтимоий хавфи катта бўлмаган жиноят деб ҳисоблаб, унинг қилмишидан амалда чин кўнгилдан пушаймонлигини, ҳозирги

кунда қарамоғида 4 нафар вояга етмаган фарзандлари ва ҳеч қаерда ишламайдиган турмуш ўртоғи борлигини жавобгарликни енгиллаштирувчи ҳолатлар деб, унинг жавобгарликни оғирлаштирувчи ҳолатлар мавжуд эмаслигини эътироф этади.

Суд, судланувчи Маджидов Нуралихон Исроиловичга нисбатан жазо тури ва меъёрини белгилашда,

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2006 йил 3 февраль кундаги №1-сонли “Судлар томонидан жиноят учун жазо тайинлаш амалиёти тўғрисида”ги Қарорининг 26-бандидаги,

“Озодликдан маҳрум қилиш жазо тариқасида, одатда, оғир ва ўта оғир жиноятлар содир этган шахсларга, **алоҳида ҳолларда эса, судланувчининг шахсини инобатга олган ҳолда-ижтимоий хавфи катта бўлмаган ва унча оғир бўлмаган жиноятларни содир этган шахсларга нисбатан**, агар бундай шахсларни жамиятдан ажратмаган ҳолда ахлоқан тузатишнинг имкони бўлмаса қўлланилади” деган раҳбарий тушунтиришларига риоя этиб, судланувчи Н.И.Маджидов томонидан содир этилган жиноятининг ижтимоий хавфлилигини инобатга олишни, уни жамиятдан ажратмаган ҳолда ахлоқан тузатиш имконияти мавжуд бўлмаганлиги сабабли озодликдан маҳрум қилиш билан боғлиқ жазо тайинлашни, жазо миқдорини белгилашда унинг ёшини, ҳозирги кунда қарамоғида 4 нафар вояга етмаган фарзандлари ва ҳеч қаерда ишламайдиган турмуш ўртоғи борлигини, шунингдек, **бир неча йилдан буён вояга етмаган фарзандларини моддий таъминлашдан бўйин товлаб келиб, бир неча мартаба огоҳлантирилишига қарамасдан алимент тўловларини амалга оширмаганлигини** инобатга олиб, қонун санкциясида кўрсатилган озодликдан маҳрум қилиш билан боғлиқ жазо тайинлашликни ва жазони манзил-колонияларда ўташни белгилашликни лозим деб топади.

Суд, шунингдек, судланувчи Маджидов Нуралихон Исроиловичдан жабрланувчи Темиров Алишер Умирзоқовичнинг фойдасига 18.673.885 сўмлик қарздорликни ундиришликни лозим деб топади.

Бинобарин суд, Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 453-457, 460, 463, 465-468, 471-473, 475-476-моддаларини қўллаб, ҳукм қилади,-

#### Ҳ У К М :

Судланувчи Маджидов Нуралихон Исроилович (Madjidov Nuralixon Isroilovich), Ўзбекистон Республикаси ЖК 122-моддасининг 1-қисмида назарда тутилган жиноятни содир этганликда айбли деб топилсин.

Судланувчи Маджидов Нуралихон Исроиловичга Ўзбекистон Республикаси ЖК 122-моддасининг 1-қисми билан муддати 6(олти) ойга озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинлансин ва жазони манзил колонияларда ўташлик белгилансин.

Жазони ўташ муддати 2019 йил 10 сентябрь кундан бошлаб ҳисоблансин.

Судланувчи Маджидов Нуралихон Исроиловичга нисбатан қўлланилган “қамоққа олиш тарзида”ги эҳтиёт чораси аслича ўзгаришсиз қолдирилсин.

Судланувчи Маджидов Нуралихон Исроиловичдан жабрланувчи Темиров Алишер Умирзоқовичнинг фойдасига 18.673.885 (ўн саккиз миллион олти юз етмиш уч минг саккиз юз саксон беш) сўм зарар ундирилсин.

Хукмдан норози томонлар ўн сутка муддат ичида, судланган Н.И.Маджидов ҳукм нусхасини олгандан сўнг шу муддат ичида жиноят ишлари бўйича Самарқанд вилоят судининг апелляция инстанцияси судлов ҳайъатига апелляция шикояти ёки апелляция протести беришга, ушбу муддат ўтгач кассация шикояти ва кассация протест бериш ҳуқуқига эга эканликлари тушунтирилсин.

Раислик этувчи судья:

И.А.Дониёров